

А Ж Р И М

(Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида)

Денов тумани

2023 йил 1 декабрь

Денов туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Н.Мамаюсупов, раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Муродовнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогардан вакил иштирокисиз, жавобгардан вакил ххх (01.12.2023 йилдаги 771-сонли ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар “ХХХХ” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “ХХХХ” давлат муассасаси ҳисобидан 167 182 000 сўм асосий қарз, 48 817 144 сўм пеня, олдиндан тўланган 4 319 982,88 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажатларини ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишини Денов туманлараро иқтисодий судининг биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

даъвогар “ХХХХ” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) жавобгар “ХХХХ” давлат муассасаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 167 182 000 сўм асосий қарз, 48 817 144 сўм пеня, олдиндан тўланган 4 319 982,88 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажатларини ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ххх (бундан буён матнда учинчи шахслар деб юритилади) жалб этилган.

Суд мажлиси жойи ва вақти ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилинган даъвогар ва учинчи шахслардан вакил суд мажлисида иштирок этмади.

Бироқ, даъвогар судга ариза тақдим қилиб, ишни тўпланган ҳужжатлар асосида, ўзининг вакили иштирокисиз кўришни сўраган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади)нинг 170-моддасига асосан ишни даъвогар ва учинчи шахслар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили судга илтимоснома тақдим қилиб, ҳозирда жавобгарга нисбатан тўловга қобилиятсиз деб топиш бўйича иш қўзғатилганлиги сабабли, даъвогарнинг даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни сўради.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Денов туманлараро иқтисодий судининг 4-1905-2301/2010-сонли иқтисодий иши бўйича 2023 йил 3 октябрдаги ажрими билан жавобгарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган.

ИПКнинг 107-моддаси 9-бандига кўра, жавобгарга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва жавобгарга нисбатан тақдим



этилган талаб қонунга кўра банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилиши лозим бўлса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 24 майдаги 13-сонли “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 21-бандига кўра, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш низонинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмасдан туриб суд муҳокамасини тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. Даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва у ИПКнинг 108-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Шу сабабли суд, жавобгарга нисбатан банкротлик тўғрисида иш кўзғатилганлиги, даъвогар даъво аризаси банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилиши лозимлигини инобатга олиб, даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши белгиланган.

Суд, жавобгарнинг ишни кўрмасдан қолдириш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни, даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини масаласини муҳокама қилиб, олдиндан тўланган 4 319 982,88 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажати даъвогар зиммасига қолдиришни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107,195-моддасини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л а д и:

жавобгар ууунинг жавобгарга нисбатан тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги иш кўзғатилганлиги сабабли, даъвогарнинг даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Даъвогар “XXXX” масъулияти чекланган жамиятининг даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогар “XXXX” масъулияти чекланган жамияти томонидан олдиндан тўланган 4 319 982,88 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажати ўз зиммасига қолдирилсин.

Мазкур ажрим бир ой муддат ўтиб қонуний кучга киради, ажрим устидан қонунчиликда белгиланган тартибда апелляция тартибида Денов туманлараро иқтисодий суди орқали Сурхондарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш (прокурор протест келтирилиши) мумкин.

Судья

М.Н.Мамаюсупов

